

Япония кўчаларида илк бор мобилъ масжид пайдо бўлди



10:36 / 12.10.2018 3854

Япониянинг Тиба префектурасида илк мобилъ масжид пайдо бўлди, у Канто ҳудуди мусулмонларига жамоа бўлиб намоз ўқиш имконини яратди. Уни яратиш ғояси 2020 йилда Токиода бўлиб ўтадиган Олимпия ва Паралимпия ўйинлари билан боғлиқ.

Мобилъ масжид йўл босаётган вақтда 12 метрли узунликдаги ва 2,5 метр кенгликдаги юк машинасига ўхшайди. Аммо кўп тоннали юк машинаси тўхташ жойига келиши билан бир неча дақиқа ичида 50 кишини ўз ичига сиғдира оладиган, 6 метр кенгликдаги 48 метр майдондаги намозхонлар учун хонага айланади.

Ғилдираклардаги масжид кондиционер билан жиҳозланган ва унда таҳорат олиш учун етарли сув захираси мавжуд. Лойиҳа муаллифларининг айтишича, Японияда кейинчалик иккинчи шундай масжид яратилади.

«Мен будда динига эътиқод қиламан, аммо барчага ибодат қилиш осонлик бўлиши учун муҳит яратишни истаган эдим», – дейди ғилдираклардаги масжидларни яратиш бўйича қўмита раиси Ясухару Иное.

Islom.uz сайти портали таҳририяти